

## Янгича ёндашувлар



**Ирода ТОШМАТОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун мева-сабзавот етиштириб, унга харидор излаётган деҳқону фермерлар, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, хорижга жўнатиш тараддуида юрган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун юртимизда катта имконият ва шароитлар яратилмоқда.

# ШАҲРИСАБЗДА ЗАМОНАВИЙ ЭКСПОРТ БОЗОРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси кўмагида Шаҳрисабз шаҳридаги 3 гектар ҳудудда ташкил этилган “Марказий экспорт бозори” ҳам юртимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, деҳқон ва хорижлик харидорлар орасидаги масофани яқинлаштириш борасида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.

**700 ўринга мўлжалланган мазкур савдо уйида деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда экспортёрлар учун диёримизда етиштирилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини шу ернинг ўзидан хорижга экспорт қилиш имконияти яратилди.**

— Бундай бозорлар Президентимизнинг экспортёр ва импортёрларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратишни кўзда тутувчи бир қатор фармон ва қарорлари асосида ташкил этилмоқда, — деди Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси Мухтор Умаров. — Бу каби экспорт майдонлари юртимизда аввал бўлмаган. Деҳқонлар етиштирган маҳсулотларни, асосан, ўртадаги воситачи тадбиркорлар, брокерлар хорижга экспорт қилади. Бу эса нархларнинг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, аксарият экспортёр компаниялар маҳсулот излаб, далама-дала юриши, ўзига керакли мева-сабзавотларни турли ҳудудлардан йиғиштириб олиши жараёнида кўп вақт ва маблағ йўқотади. Сарфланадиган узоқ йўл ҳисобига баъзан маҳсулот сифати бузилади ҳам. Ана шундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган экспорт бозорида тадбиркор ёки хорижлик харидорлар кўнлаб вақт сарфламасдан, керакли миқдордаги маҳсулотларни бир неча соат ичида шу ернинг ўзидан йиғиб олиши мумкин.

Бугун юртимизда экспорт қилиш салоҳиятига эга 6 мингга яқин корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга берилаётган қатор имтиёзлар туфайли мева-сабзавот-



ларнинг халқаро савдо ҳажми кенгайиб, шираси тилни ёрадиган ўзбек меваларига дунё давлатларида қизиқиш ортиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июль ҳолати бўйича биргина гилос меваси жами 31,3 минг тонна миқдорда хорижга экспорт қилинди (ўтган йилнинг шу даврига қараганда 14,6 минг тонна кўп). Хусусан, қарийб 61 миллион АҚШ долларига тенг бу маҳсулот 18 та мамлакат бозорларида сотилди. Экспорт ҳажмининг катта қисми Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Корея Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Эътиборлиси, бу йил ўзбек гилоси янги бозорлар — Германия, Литва, Люксембург, Мўғулистон, Уммон ва Таиландга ҳам экспорт қилинди. Республикаимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган экспорт бозорлари юқоридаги кўрсаткичларни янада ошириши кутилмоқда.

### ТАДБИРКОРЛАР МАМНУН

Бундай бозорларнинг биринчиси сал аввалроқ Фарғона вилоятининг Олтиариқ

туманида очилган эди. 3 гектар майдонда ташкил этилган мини экспорт бозорида айна кезде экспортёр, брокер ҳамда бевосита деҳқоннинг ўзи хорижий харидорлар билан тўғридан-тўғри олди-сотди ишларини фаол амалга оширмоқда. Бу ерда яратилган шароитлар деҳқонлар қатори экспорт билан шуғулланувчи тадбиркорларни ҳам қувонтиряпти.

— Мазкур бозорнинг очилиши нафақат Олтиариқ тумани аҳолиси, балки барча вилоятлар, ҳатто қўшни давлатлар экспортчилари учун ҳам қулайлик яратмоқда, — деди фарғоналик экспортёр тадбиркор Қобилжон Бойматов. — Фарғонада етиштирилган мева-сабзавотларни доволон ошиб пойтахтга олиб борганимизча сифати бироз бузилиб, нархи тушишига олиб келарди. Бугун эса маҳаллий ва хорижлик харидорларнинг ўзлари туманимизга келиб, ҳар куни соат 19:00 дан 01:00 га қадар ишлайдиган экспорт бозоридан таъбиға мос келадиган мева-сабзавотларни сотиб оляпти. Бозорда ўрнатилган музлатгичлар ҳамда савдонинг тунда йўлга қўйилиши маҳсулотларни сифатли сақлаш имконини беради. Бозор маъмурияти таклифларига кўра, келгусида бу ерни янада кенгайтириб, хорижликларнинг тунаб қолишлари учун шароитлар яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, бозор ичида Ўзбекистон экспортчилари уюшмасининг бўлимини очиб, тадбиркорларга тўғридан-тўғри ёрдам беришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Экспорт савдо масканлари учун мавжуд бозорлар ёки бўш турган компаниялар ҳудудлари танланяпти. Уларнинг эшиклари барча учун бирдек очиқ бўлиб, савдо қилиш шартлари бозор тамойилларига хос бўлган талаб ва таклиф асосида ташкил этилган.

**Бу ерда 100 килограммдан бошлаб чекланмаган миқдорда маҳсулот экспорт қилиш мумкин. Ҳозир Россия, Хитой, Марказий Осиё ва МДХ давлатлари тадбиркорлари ушбу платформа харидорлари бўлмоқда. Эндиликда хорижлик йирик харидорларнинг юртимиздаги дилерлари мавсумда мева-сабзавот излаб, далама-дала юрмасдан, экспорт бозорининг ўзидан исталган турдаги маҳсулотни харид қилиши мумкин. Уларда, шунингдек, маҳсулотларнинг сифати, таъми ва нархини танлаш имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.**

Айтиш жоизки, “Марказий экспорт бозори”нинг ишга тушиши нафақат Шаҳрисабз шаҳри, шу билан бирга, Қашқадарё вилояти ҳамда республика иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, экспорт ҳажмининг кескин ошишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларига иқтисодий кўмак бўлиб, эндиликда улар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун ортиқча оворагарчиликка дучор бўлмайдми. Бу билан даромадларининг муайян қисмини тежаб, экспорт улусидан яхшигина фойда олишлари мумкин.

Айна кезде республикаимизнинг барча ҳудудларида ана шундай экспорт бозорларини очиш кўзда тутилган. Август ойи охирларига қадар Қўқон шаҳрида тўқимачилик маҳсулотлари экспортга мўлжалланган бозор очилиши кутилмоқда. Ундаги логистика хизмати экспортёр учун ушбу савдо ҳудудининг ўзидан хорижга чиқиб кетишига мослаштирилади. Ўрни бозор ҳудудида жорий қилинган терминал орқали божхона хизматлари ҳам шу ернинг ўзидан кўрсатилади.